Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 18 (5309).
23 ЯНВАРЬ 1984 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Тошкент область партия комитетининг пленуми

Тошкент область XXI партия конференциясида сайланган область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди.

Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди.

М. М. Мусахонов Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси, **В. А. Антонов** область партия комитетининг иккинчи секретари ва бюро аъзоси қилиб сайланди. **А. М. Хўжаев, В. Г. Гордиенко, М. Қ. Қодиров** область партия комитетининг секретарлари ва бюро аъзолари қилиб сайландилар

Т. А. Алимов, Х. Т. Умаров, С. Т. Тошқулов, У. Умаров, Н. А. Моисеев, К. Х. Ёқуббоева, В. Мусаева область партия комитетининг бюро аъзолари қилиб сайландилар.

Т. З. Орипов, А. В. Бранлов, О. З. Зуфаров, А. И. Шкуратов область партия комитети бюро аъзолигига кандидатлар қилиб сайландилар.

О. З. Зуфаров область партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири, **Э. Ш. Шодмонов** пропаганда ва агитация бўлими мудири, **Н. Ф. Иброҳимов** фан ва ўқув юртлари бўлими мудири, **М. М. Мирқосимов** оғир саноат бўлими мудири, **К. М. Йўлдошева** енгил саноат ва халқ истеъмоли моллари бўлими мудири, **И. И. Федоринов** транспорт ва алоқа бўлими мудири, **Л. П. Тернових** қурилиш бўлими мудири, **Ш. О. Дадабоев** қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати бўлими мудири, **В. А. Нарзиқулов** савдо ва маиший хизмат бўлими мудири, **С. Р. Тўлаев** экономика бўлими мудири, **В. Я. Егоров** маъмурий органлар бўлими мудири, **П. Ниғматов** умумий бўлим мудири, **Т. Н. Миркомилов** молия-хўжалик бўлими мудири қилиб тасдиқландилар.

А. И. Шкуратов область партия комитети ҳузуридаги партия комиссияси раиси қилиб тасдиқланди.

Пленум **Н. Насимовни** «Тошкент ҳақиқати» газетасининг редактори, **Б. М. Шатуновскийни** «Ташкентская правда» газетасининг редактори қилиб тасдиқлади.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **И. Б. Усмонхўжаев** нутқ сўзлади.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюро аъзолари ва аъзоликка кандидатлар Р. Ҳ. Абдуллаева, И. Г. Анисимкин, Ю. П. Максимов, В. К. Михайлов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. М. Маҳмудова, КПСС Марказий Комитети Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги бўлими мудирининг ўринбосари В. Н. Ткачев, КПСС Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг сектор мудири В. И. Смирнов иштирок этдилар.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

Область партия ташкилоти ревизия комиссиясининг бўлиб ўтган мажлисида **А. Н. Кудинов** комиссия раиси қилиб сайланди.

XXI ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

ЛЕНИН ЙЎЛИДАН — ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ!

21 январда XXI Тошкент область партия конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияни Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари **М. М. Мусахонов** очди.

XX Тошкент область партия конференциясидан сўнг орадан уч йил вақт ўтди. Бу йилларда катта аҳамиятга эга бўлган воқеалар рўй берди. Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида КПСС XXVI съезди қарорларини бажаришда катта муваффақиятларга эришди.

Коммунистлар, барча совет кишилари КПСС ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан маъқулламоқдалар ва қўллаб-қувватламоқдалар, партиямиз ғамхўрлигига жавобан коммунистик қурилишда актив иштирок этиш билан жавоб бермоқдалар.

КПСС XXVI съездидан кейин ўтган даврда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг раҳбарлигида Тошкент области меҳнаткашлари янгидан-янги муваффақиятларга эришдилар. Область партия комитетининг биринчи секретари **М. М. Мусахонов** Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг иши тўғрисида ҳисобот доклади қилди.

Совет кишилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг Марказий Комитети атрофига мустаҳкам жипслашган, КПСС Марказий Комитети декабрь (1983 йил) ва СССР Олий Совети сессиясида ишлаб чиқилган бунёдкорлик ишларининг ёрқин программаси билан қуролланган ҳолда беш йилликнинг тўртинчи йилига қадам қўйдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми республика партия ташкилотларининг КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорлари ва ундаги ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқи текстидан келиб чиқадиган вазифаларни атрофлича муҳокама этди, республика партия ташкилотининг 1983 йил ва беш йилликнинг ўтган давридаги ишини батафсил ва принципиал таҳлил қилди.

Республиканинг иқтисодий ва илмий-техник потенциали мустаҳкамланишига Тошкент области меҳнаткашлари муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Область партия ташкилотининг КПСС XXVI съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш учун курашда, хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарликда амалий тажрибаси ортди, КПСС Марказий Комитети ва унинг Сиёсий бюроси атрофига янада мустаҳкам жипслашди.

Область партия комитети, шаҳар ва район партия комитетларининг социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш бўйича бутун фаолияти Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бевосита раҳбарлигида амалга оширилди. Область коммунистлари, бутун меҳнаткашлари область партия ташкилотига катта эътибор бераётганликлари ва ёрдам кўрсатаётганликлари учун КПСС Марказий Комитетига, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросига, республика ҳукуматига самимий миннатдорчилик ва ташаккур изҳор этадилар.

Область партия комитети, шаҳар ва район партия комитетлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг сўнгги Пленумлари қарорларини бажара бориб, ҳисобот даврида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, саноат қувватларини янада кўпайтириш ва улардан тўла фойдаланишга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, меҳнат унумдорлигини ўстиришга, давлат, план ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга биринчи даражали аҳамият бердилар.

Область саноати товар маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича беш йилликнинг уч йили планини муддатидан илгари — 15 декабрда бажарди, планга қўшимча 262 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми пландаги 11,8 процент ўрнига 14,4 процент ўсди. 1983 йилда 7 миллиард 179 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, планга қўшимча реализация қилинган маҳсулот 108 миллион сўмни ташкил этди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати қарийб 5 процентни ташкил этди, меҳнат унумдорлиги эса 3,5 процент юксалди. Шартнома бўйича маҳсулот етказиб бериш планларининг бажарилиши янада бир маром касб этди.

Тошкент, Олмалиқ, Ангрен шаҳарлари, Орджоникидзе, Тошкент районлари саноати беш йилликнинг уч йили ва ўтган йил социалистик мажбуриятларини ортиғи билан адо этдилар. Халқ хўжалигида техника тараққиётини белгиловчи соҳалар: қора ва рангли металлургия, химия ва электротехника саноати, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги энг юксак суръатлар билан ривожланди.

Саноатни реконструкциялаш ва техник қайта қуроллантириш изчил амалга оширилди. 1983 йилда шу мақсадларга жами капитал маблағларнинг 31 проценти сарфланди, бу 1980 йилдагидан 53 миллион сўм кўпдир. Область корхоналарида 70 участка, цех ва ишлаб чиқариш комплекс механизациялаштирилди ва автоматлаштирилди, 1637 янги технологик жараён, ускуна ва агрегатлар жорий этилди.

Техника тараққиёти йўли маҳсулот сифатига ижобий таъсир кўрсатяпти. Ҳозирги пайтда давлат Сифат белгиси бўлган буюмларнинг салмоғи аттестациядан ўтказиладиган умумий маҳсулот ҳажмида 32 процентни ташкил этмоқда. Бекобод цемент комбинати, «Средазкабель», «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Узбекхиммаш», «Ташэлектромаш» заводлари, бош кийимлар фабрикаси ва бошқа бир қатор корхоналар 50 процентдан ортиқ маҳсулотни фахрли беш қиррали белги билан ишлаб чиқаряпти.

Партия, совет, хўжалик органлари халқ истеъмоли буюмларини ишлаб чиқариш ва уларнинг ассортиментини кенгайтиришга мунтазам эътибор бериб келишаяпти.

Беш йиллик бошидан бери бир қатор янги корхоналар қурилди, шунингдек енгил, озиқ-овқат, мебель, маҳаллий саноат ва саноатнинг маданий-маиший ва рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш билан боғланган бошқа соҳаларидаги корхоналар реконструкция қилинди ва техник қайта қуроллантирилди.

Ҳозир областдаги 418 та корхонадан 311 таси кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаради. Уларни ишлаб чиқаришнинг ўсиши уч йил мобайнида пландаги 110,7 процент ўрнига 118 процентни ташкил этди.

Область меҳнат коллективлари КПСС Марказий Комитети ноябрь (1982 йил) Пленуми қарорларини ҳаётга тадбиқ эта бориб, ишлаб чиқариш резервларини қидириб топиш ва улардан омилкорлик билан фойдаланиш, интизомни мустаҳкамлаш, кадрлар қўнимсизлигини камайтириш учун курашни кучайтирдилар.

Меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг бригада усулини жорий этишга алоҳида эътибор бериляпти. Ҳозирги пайтда бу илғор методга 60 процентдан кўпроқ ишчини бирлаштирган 13 мингта бригада ўтди. Ишнинг пировард натижаси бўйича ҳақ тўланадиган ягона нарядда ишловчи комплекс ва узлуксиз бригадалар тобора кенг ёйилмоқда. Уларни ташкил этиш бўйича «Ташсельмаш»да, Тўйтепадаги металл конструкциялар заводида, Тошкент гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа корхоналарда яхши тажриба тўпланди.

Экономикани бошқаришни такомиллаштириш бўйича кўрилган чоралар, хўжалик механизмининг юксак пировард натижаларга эришишга таъсирини кучайтириш ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортишига, ускуналардан фойдаланишни яхшилашга, иш вақти йўқолишининг камайишига ёрдам берди. Фақат 1983 йилнинг ўзида маҳсулот таннархининг планга қўшимча пасайиши натижасида 23,2 миллион сўм тежалди.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТЛАРДА: конференция делегатлари (чапдан-ўнгга) Тошкент кондитер фабрикасининг ишчиси А. Алимуҳамедова; «Главташкентстрой» 4-қурилиш трести комплекс бригадасининг бригадири Ф. Гелемшин, уруш ветерани, халқ хўжалиги институтининг доценти И. Исҳоқов, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ҳузуридаги ветеранлар Советининг раиси Ч. Иброҳимова, партия ветерани, халқ хўжалиги институтининг доценти М. Иброҳимов, 2-уйсозлик комбинатининг пардозловчиси М. Рустамова, партия ветерани Е. Завьялов; конференция мажлислари залида.

Т. Каримов фотолари.

ЮБИЛЕЙ ЭРИТМАСИ

(РЕПОРТАЖ)

XXI область партия конференцияси очилган куни Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз-ремонт заводининг пўлат қуйиш ишлаб чиқаришида мемориал тахта пайдо бўлди. Унда шундай сўзлар ёзилган: «Бу цехда 1934 йилнинг 21 январида Ўзбекистон мартен пўлатининг биринчи эритмаси олинган».

Г. Руденко бошлиқ пўлат қуювчилар бригадаси учун навбатдаги смена одатдагидек бошланди. Электропечнинг катта қопқоғи сурилиб, печь ичига руда аралашмаси ташланди. Ускунанинг техник ҳолати яна бир кўздан кечирилди. Тумблер бурилиб, ток уланди. Печь ичида олов чақнаб, рудани эрита бошлади. Қуювчилар юзида электр ёй акси кўринарди. Фақат улар пешонасидан оқаётган маржон-маржон тергина ҳозирги дақиқаларнинг ғоят ҳаяжонли эканлигини билдириб турарди. Кўплаб меҳмонлар — машинасозлик корхоналари — «Узбексельмаш», «Таштекстильмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаларидан, «Ташсельмаш», экскаватор заводларидан келган ҳамкасблар, тепловоз-ремонт заводининг ўзидаги дўстлар беихтиёр эритиш жараёнини диққат билан кузатиш, ҳар бир ҳолатни назорат қилишга мажбур этишарди.

Бу воқеа фақат заводнинг эмас, балки республика тарихида ҳам қолади. Бундан 50 йил муқаддам КПСС XVII съезди иш бошлашига беш кун қолганида пўлат қуйиш цехи ишчилари мастер Храмов раҳбарлигида 1934 йил 21 январда Ўрта Осиёда биринчи пўлатни беришди.

Биринчи пўлатдан завод ишчилари В. И. Ленин бюстини қуйишди. Унинг остига шундай сўзлар ёзилганди: «Қизил Шарқ паровоз-вагон ремонт заводининг энг яхши зарбдорлари ва инженер-техник ходимларидан, Ўрта Осиё мартенининг биринчи эритмасидан».

Корхона пўлати кўп нарсаларга ишлатилди. Қизил шарқчилар Ўрта Осиё, Самара-Златоуст ва Туркистон-Сибирь темир йўлини, шунингдек, бир қатор республика қишлоқ хўжалиги машинасозлик заводларини қуйма билан таъминлай бошлашди. «Ташсельмаш» маркаси билан ишлаб чиқарилган дастлабки пахта териш машиналарининг кўпгина муҳим деталлари мана шу металдан тайёрланганди.

Ветеранларнинг меҳнат анъаналарини уларнинг издошлари давом эттираяпти. III даража Меҳнат Шуҳрати ордени кавалери, коммунист Г. Руденко ўз комплекс бригадаси билан бунга яхши мисолдир. Бугунги кунда юбилей қуймасини тайёрлашда у билан бир сафда катта қуювчи, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, Тошкент шаҳар партия комитети аъзоси Е. Маршалов, мастер Б. Землянко, қуювчи А. Герлах иштирок этаяпти. Улар КПСС Марказий Комитети декабрь (1983 йил) Пленуми қарорларига жавобан, заводда биринчилардан бўлиб Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига қабул қилган мажбуриятларида меҳнат унумдорлигини 2 процент оширишни ёзиб қўйишди.

...Қўнғироқ жаранглаб, қуйиш тугаганлигини хабар қилди. Электропечь оҳиста қийшайди. Ишчиларнинг шавкатли меҳнатига салют бергандек ялтираб, ковушга чўғдек қип-қизил пўлат оқиб туша бошлади. Йигитларни биринчи бўлиб заводнинг кекса металлурги, бу ишга 35 йил умрини бағишлаган Г. Кильдюшкин табриклади.

Эртага пўлат қуювчиларнинг маҳсулоти Байкал—Амур магистралига юборилади, ўнлаб тепловозлар, тракторлар, экскаваторларни созлаш учун ишлатилади.

В. СЕРГЕЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ Ф. Г. ПОТУРЕМСКИЙНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ МИНИСТРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўртоқ Федор Григорьевич Потуремский Ўзбекистон ССР қурилиш министри қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

1984 йил 21 январь, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада филология фанларини ривожлантириш ва юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашдаги хизматлари учун А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими, филология фанлари доктори Фаттоҳ Абдуллаевич **Абдуллаев,** А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, филология фанлари доктори Нинель Васильевна **Владимирова** ўртоқларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» унвонини берди.

А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг бир группа ходимлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

ШОНЛИ САНАЛАР ШАРАФИГА

Республикада мудофаа-оммавий ишлар ойлиги бошланмоқда. Бу ойлик бутун мамлакатда ўтказилиб, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг 66 йиллигига, шунингдек Ленинградда душман қамали тугатилишининг 40 йиллигига бағишланган. Ойликни ўтказиш вақтида олимлар, пропагандистлар, Совет Армиясининг ветеранлари, ДОСААФ мудофаа жамиятининг вакиллари корхоналарда, ўқув юртларида, колхоз ва совхозларда лекция ва докладлар қиладилар. Спортнинг техникавий ва ҳарбий-амалий турлари бўйича мусобақалар ҳам ўтказилади.

Ўзбекистон ДОСААФ Марказий Комитети ўтказган матбуот конференциясида ойлик программаси ҳақида маълумот берилди.

(ЎзТАГ).

ПРАВДА САҲИФАЛАРИДА

● Франция ҳукуматининг таклифига биноан СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов шу йил январь ойининг охирлари — февраль ойининг бошларида расмий визит билан Францияга боради.

● «Кўриқ анъанаси бўйича» сарлавҳаси остида Қозоғистон ССР меҳнаткашларининг 1984 йилга олган социалистик мажбуриятлари эълон қилинган.

● Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, чет эллардан олинган телеграммалар, спорт хабарлари босилган.

БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети маълум қиладики, XVIII чақириқ Тошкент шаҳар Советининг саккизинчи сессияси 1984 йил 24 январь куни соат 16.00 да Тошкент область партия комитетининг (Ўзбекистон кўчаси, 9-уй) мажлислар залида очилади.

Депутатлар ўша жой нинг ўзида соат 15.00 дан рўйхатга олинадилар.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.

XXI ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

ЛЕНИН ЙЎЛИДАН — ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ!

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кўриниб турибдики, деди сўнгра ўртоқ М. М. Мусахонов, ишнинг ижобий натижалари яққол намоён бўлмоқда. Лекин партия коммунистларда мунтазам эришилган ютуқлардан қаноатланмаслик туйғусини тарбиялайди, ўз ишини танқидий баҳолашга, камчиликларни кўришга ўргатади.

Эришилган суръатни сусайтирмаслик учун, КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, 1984 йилда ижобий жараёнларни актив ривожлантириш, барча участкаларда хўжаликни бошқариш даражасини кўтариш лозим. Бу яна шунинг учун ҳам зарурки, саноатда ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, ускуналарнинг сменада ишлашини ошириш, технология ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича ишлар партиявий қатъийлик билан амалга оширилиши учун ҳали ҳамма ишни қилиб улгурилмади.

Область меҳнаткашлари мамлакатнинг илғор коллективлари ташаббусини қўллаб-қувватлаб 1984 йил учун тиғиз социалистик мажбуриятлар қабул қилди. Ишлаб чиқариш ҳажми 4,5 процент ўсиши таъминланади, меҳнат унумдорлигининг планга қўшимча 1 процент юксалишига эришилади, маҳсулот таннархи планга нисбатан 0,5 процентга камайтирилади.

Ҳисобот даврида область транспорти ва алоқасини техник қуроллантириш ва бир маромда ишлашини таъминлаш бўйича анчагина тадбирлар амалга оширилди. Тошкент темир йўл бўлими, автомобиль ва ҳаво транспорти моддий-техник базаси янада ривожланди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг халқ хўжалигида автотранспорт воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, автомобиль транспортида юкларни ташиш чўғида ошириб ёзишга қарши курашни кучайтириш ва ёқилғи-мойлаш материалларини сақлашни таъминлаш тўғрисидаги қарорини бажариш юзасидан кўп ишлар қилинди. Юк кўтариш автомобилларидан максимал суратда фойдаланиш, прицеп паркини ривожлантириш, автотранспортнинг беҳуда йўл босишини ва унумсиз бўш туриб қолишини камайтириш, юк ташишни планлаштиришни яхшилаш, ёқилғини тежаш учун курашни кучайтириш лозим.

Область алоқачилари олдида масъулиятли вазифалар турибди. Ўтган беш йилликнинг ўтган даврида алоқа воситалари янада ривожланди, шаҳарларда ва район марказларидаги телефон станцияларининг қуввати 52,7 минг номерга кўпайди, қишлоқ жойларида салкам 8,3 минг номерга ошди. Тошкентда «Главпочтамт», бир неча районларнинг марказларида алоқа уйлари фойдаланишга топширилди.

Ҳисобот даврида область партия ташкилоти капитал қурилиш самарадорлигини ошириш ва унинг ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни қунт билан амалга оширди.

Уч йил мобайнида қурувчилар 5 миллиард сўмликдан ортиқ капитал маблағни ўзлаштирдилар.

4,5 миллион квадрат метр турар жой, 81 минг ўқувчи ўринли мактаб, 24 минг ўринли мактабгача болалар муассасалари, 6 минг кишига хизмат қиладиган поликлиника, 3 минг ўринли шифохоналар, катта миқдордаги фан, маданият, савдо ва маиший объектлар фойдаланишга топширилди.

Қурилишда бригада пудрати тобора кенг ёйилмоқда. Областда бу методда 62 процент қурилиш-монтаж ишлари бажариляпти.

Партия, совет ва хўжалик органлари КПСС Марказий Комитети май (1982 йил) Пленуми қарорларини бажариш бўйича тадбирлар белгилаб ва Озиқ-овқат программасини амалга ошира бориб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришда муайян ижобий натижаларга эришдилар. Бу маҳсулотларни давлатга сотиш бўйича беш йиллик топшириғи ва 1983 йил социалистик мажбуриятлари муддатидан аввал бажарилиши таъминланди. Ўтган уч йил мобайнида пахта топшириш бўйича план 10 процентга, дон—18 процентга, сабзавот — 21 процентга, картошка — 65 процентга, гўшт ва сут топшириш бўйича план эса 3,4 процентга ортиғи билан бажарилди. Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш ва чорвачиликни жадал ривожлантириш ҳисобига Калинин райони меҳнаткашлари давлатга дон, картошка ва узум сотиш бўйича ўн биринчи беш йиллик планини, Тошкент районни хўжаликлари дон ва тухум тайёрлаш бўйича, Бўка райони картошка, сабзавот, гўшт ва тухум тайёрлаш бўйича ўн биринчи беш йиллик планини муваффақиятли адо этдилар. Бу районларда давлатга деҳқончилик ва чорвачиликнинг барча турдаги маҳсулотларини топшириш бўйича ўн биринчи беш йиллик топшириқларини 4—4,5 йилда бажариш бўйича социалистик мусобақа кенгаймоқда.

Область колхозлари ва давлат хўжаликларида ўнинчи беш йилликка нисбатан сабзавот, картошка, мева ва узум ишлаб чиқариш анча кўпайди. Шу жумладан, теплицалар ва плёнка остида ялпи сабзавот етиштириш 1980 йилга нисбатан 1,4 баравар ошди. Бу область шаҳарлари, айниқса Тошкент меҳнаткашларининг йил бўйи сабзавот билан таъминланишини яхшилаш имконини берди. 1983 йилда Тошкентга мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка етказиб бериш плани ошириб бажарилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРда чорвачиликни тезкорлик билан ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Пленумларининг қарорларига мувофиқ, область партия комитети ҳисобот даврида партия, совет ва хўжалик органлари эътиборини шу тармоқни ривожлантиришнинг юксак суръатларини таъминлашга мунтазам қаратиб борди. Бу колхозлар, совхозлар ва бошқа давлат хўжаликларида ўнинчи беш йилликка нисбатан йиллик ўртача гўшт етиштиришни 1,4 баравар, сутни—1,2, тухумни— 1,3 баравар кўпайтириш имконини берди.

Аҳолини гўшт ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари билан яхшироқ таъминлаш вазифаларини ҳал этишда саноат корхоналари ва бошқа ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликлари катта аҳамиятга эга. КПСС Марказий Комитетининг, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг кўрсатмаларига мувофиқ, область шаҳарлари ва районларининг партия комитетлари, совет ташкилотлари ва хўжалик раҳбарлари ана шу йўналишда катта ишларни амалга оширяпти. 1983 йилда ёрдамчи хўжаликларда гўшт етиштириш 7,5 минг тоннага етди ва 1980 йилдагига нисбатан 4 баравар кўпайди.

Ўртоқ Ю. В. Андроповнинг КПСС Марказий Комитети декабрь (1983 йил) Пленумидаги нутқи текстида яна таъкидлаб ўтилдики, бизнинг экономика соҳасидаги барча ҳаракатларимиз пировард натижада халқ фаровонлигини оширишга қаратилган. Ҳисобот даврида хизмат кўрсатиш соҳаси моддий базасини мустаҳкамлаш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди. Ана шу мақсадлар учун 60 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Магазинлар, ошхоналар, маиший хизмат уйлари, ателъелар, устахоналар тармоғи кенгайди. Уч йил мобайнида чакана товар обороти 11 миллиард сўмдан зиёдни ташкил этди, бу ўнинчи беш йилликнинг ана шу даврига нисбатан аҳолига салкам 3 миллиард сўмлик кўп товарлар сотилди деган гап. Маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 23 процентга ошди.

Айни пайтда айрим савдо ташкилотлари раҳбарлари ишнинг кўзини билмасликлари, ресурслардан усталик билан фойдалана олмасликлари оқибатида турли товарларни сотишда узилишлар бўляпти.

Аҳоли баъзан кечки соатларда ва дам олиш кунлари озиқ-овқат молларинқ харид этишда қийинчиликларга дуч келяпти. Савдонинг истиқболли формалари сust жорий этиляпти. Магазинлар, қабул пунктлари, ошхоналар, маиший хизмат ва умумий овқатланиш объектларида иш режими бузилаётганлиги фактлари оз эмас.

Область партия ташкилоти фаолиятининг энг муҳим йўналиши меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни такомиллаштиришдан иборат.

Ҳозирги пайтда марксчаленинча таълим самарадорлигини ошириш, лекция пропагандаси, оғзаки сиёсий агитациянинг таъсирчан характери ва ишончлилигини ошириш чоралари кўриляпти.

Партия ташкилотлари социалистик мусобақанинг ошкора бўлишига, ватанпарварлик ташаббуслари ва илғор тажрибани пропаганда қилишга, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга эътиборни кучайтирдилар.

Меҳнаткашларда марксчаленинча дунёқарашни шакллантириш, уларнинг сиёсий савиясини ошириш партия ташкилотларининг диққат марказида бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда. Ана шу вазифаларнинг ҳал этилишига сиёсий таълим структурасининг ўзгартирилиши, пропагандист кадрларни танлаш ва ўқитиш ишларининг яхшиланиши, уларни «Пропагандист — беш йилликка» ватанпарварлиқ ҳаракатига жалб этиш ёрдам берди.

Кишилар билан жонли, бевосита алоқа қилиш формаси бўлган лекция пропагандаси ва оғзаки сиёсий агитация область партия ташкилотлари идеологик иши системасида муҳим ўринни эгаллаб турибди.

Кишилар турмуши ва дам олишнинг тўғри ташкил этилиши тарбия ишига комплекс ёндошишнинг таркибий қисми ҳисобланади. Меҳнаткашларнинг бўш вақти, деб кўрсатиб ўтган эди ўртоқ Ю. В. Андропов, ахлоқий-эстетик нуқтаи назардан борган сари тўлақонли бўлмоғи лозим. Бунда маданият ва санъат, физкультура ва спорт муассасалари катта роль ўйнамоқлари керак.

Янги кишини тарбиялаш учун курашда оммавий агитация ва пропаганда воситалари муҳим роль ўйнайди. Ҳисобот даврида областдаги 19 та шаҳар ва район газеталаридан саккизтаси меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги актив ишлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиқлари билан тақдирланди. Бир қатор матбуот ходимлари ҳукумат мукофотлари билан тақдирландилар. Буларнинг ҳаммаси журналистлар зиммасига юксак масъулият юклайди. Партия комитетлари матбуот органларига раҳбарликни яхшилашлари, уларнинг меҳнаткашларни планлар ва мажбуриятларни бажаришга сафарбар этишдаги, социалистик турмуш тарзини пропаганда қилишдаги, душман идеологик диверсияларини фош этишдаги ролини оширишлари керак бўлади.

Ҳозир партиявий таъсир кўрсатишнинг барча воситалари ғоят муҳим сиёсий кампания — ССР Иттифоқи Олий Советига сайловлар. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллигига муносиб тайёргарлик кўриш ва ўтказишга қаратилмоғи даркор.

Ҳозирги вақтда КПСС Марказий Комитетининг «Умумтаълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» лойиҳасининг муҳокамаси ҳамма жойда қизғин боряпти. Давлат аҳамиятига эга бўлган бу катта иш ҳар бир совет оиласи манфаатларига мос тушган ишдир. Ҳозирдаёқ ислоҳ қилиш руҳига мувофиқ мактаблардаги иш услуб ва методларини активроқ қайта қуриш, ўқувчиларга таълим бериш ва уларни коммунистик тарбиялаш бирлигини таъминлаш, уларни мустақил ҳаётга, меҳнатга, актив ижтимоий фаолиятга тайёрлаш сифатини ошириш лозим.

Тобора катта обрў-эътибор қозонаётган ҳунар-техника таълими ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқ керак. Ҳозир областдаги 114 та ҳунар-техника билим юртида 50 мингдан зиёд йигит ва қизга таълим-тарбия берилаяпти. Бироқ ишчи синфи ўринбосарларини тайёрлашнинг бу формасига етарлича баҳо бермаслик ҳоллари ҳамон учраб турибди.

Область олий ўқув юртлари ва техникумлари партия ташкилотлари ва ректоратлари олдида катта вазифалар турибди. Энг аввало коммунистик қурилишнинг ҳозирги практикаси ва экономикани интенсивлаштириш билан мувофиқ суратда мутахассислар тайёрлаш сифатини янада оширишни таъминлаш, студентларни ғоявий-сиёсий ва малакали билим ва кўникма билан қуроллантириш, олий ўқув юртлари олимларининг илмий потенциалидан самарали фойдаланиш керак.

Область партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Халқ хўжалигида илмий-техника прогрессини жадаллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VII (1982 йил) Пленуми қарорларини бажара бориб, илмий муассасаларга раҳбарликни такомиллаштиришга эътиборни кучайтирдилар. Шаҳар, район партия комитетларида штатсиз фан бўлимлари ишлаб турибди. Область партия комитети ва республика Фанлар академияси президиуми томонидан Тошкент илмий маркази ташкил этилди. У илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик муассасаларининг фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқиш ва область халқ хўжалигига жорий этиш бўйича фаолиятини координациялашга хизмат қилади. Олимларимизнинг илмий-техника ва социал-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга қўшаётган ҳиссалари ошди.

Тарбиявий ишда шунга интилиш керакки, кишилар сиёсатимизни, принципларимизни яхши билибгина қолмай, балки ҳамиша унга амал қилишсин, ахлоқий нормалар ҳар қандай бузилишига муросасиз бўлишсин, совет қонунларини, социалистик турмуш қоидаларини чуқур ҳурмат қилишсин. Бу вазифанинг ҳал этилиши ҳуқуқ тарбиясининг кучайтирилиши билан, кишилар онгидаги эскилик қолдиқларига, хилма-хил ҳуқуқ бузилишларига қарши кураш билан узвий боғланган.

Область партия ташкилоти ўтган уч йилда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, тартиб муҳофазаси органларининг фаолиятини активлаштириш, уларга синалган коммунистлар ва комсомолларни юбориш ҳисобига уларнинг сифат составини яхшилаш юзасидан бир қатор чораларни амалга ошириб.

Ҳисобот даври область партия комитети, шаҳар, район партия комитетлари, кўпгина партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларининг фаолияти услуби ва методларини янада такомиллаштиришга эътиборни кучайтирдилар. Меҳнаткашларда марксчаленинча дунёқарашни шакллантириш, уларнинг сиёсий савиясини ошириш партия ташкилотларининг диққат марказида бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда. Ана шу вазифаларнинг ҳал этилишига сиёсий таълим структурасининг ўзгартирилиши, пропагандист кадрларни танлаш ва ўқитиш ишларининг яхшиланиши, уларни «Пропагандист — беш йилликка» ватанпарварлиқ ҳаракатига жалб этиш ёрдам берди.

Кишилар билан жонли, бевосита алоқа қилиш формаси бўлган лекция пропагандаси ва оғзаки сиёсий агитация область партия ташкилотлари идеологик иши системасида муҳим ўринни эгаллаб турибди.

Кишилар турмуши ва дам олишнинг тўғри ташкил этилиши тарбия ишига комплекс ёндошишнинг таркибий қисми ҳисобланади. Меҳнаткашларнинг бўш вақти, деб кўрсатиб ўтган эди ўртоқ Ю. В. Андропов, ахлоқий-эстетик нуқтаи назардан борган сари тўлақонли бўлмоғи лозим. Бунда маданият ва санъат, физкультура ва спорт муассасалари катта роль ўйнамоқлари керак.

Янги кишини тарбиялаш учун курашда оммавий агитация ва пропаганда воситалари муҳим роль ўйнайди. Ҳисобот даврида областдаги 19 та шаҳар ва район газеталаридан саккизтаси меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги актив ишлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиқлари билан тақдирланди. Бир қатор матбуот ходимлари ҳукумат мукофотлари билан тақдирландилар. Буларнинг ҳаммаси журналистлар зиммасига юксак масъулият юклайди. Партия комитетлари матбуот органларига раҳбарликни яхшилашлари, уларнинг меҳнаткашларни планлар ва мажбуриятларни бажаришга сафарбар этишдаги, социалистик турмуш тарзини пропаганда қилишдаги, душман идеологик диверсияларини фош этишдаги ролини оширишлари керак бўлади.

Ҳозир партиявий таъсир кўрсатишнинг барча воситалари ғоят муҳим сиёсий кампания — ССР Иттифоқи Олий Советига сайловлар. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллигига муносиб тайёргарлик кўриш ва ўтказишга қаратилмоғи даркор.

Ҳозирги вақтда КПСС Марказий Комитетининг «Умумтаълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» лойиҳасининг муҳокамаси ҳамма жойда қизғин боряпти. Давлат аҳамиятига эга бўлган бу катта иш ҳар бир совет оиласи манфаатларига мос тушган ишдир. Ҳозирдаёқ ислоҳ қилиш руҳига мувофиқ мактаблардаги иш услуб ва методларини активроқ қайта қуриш, ўқувчиларга таълим бериш ва уларни коммунистик тарбиялаш бирлигини таъминлаш, уларни мустақил ҳаётга, меҳнатга, актив ижтимоий фаолиятга тайёрлаш сифатини ошириш лозим.

Бошланғич партия ташкилотларидаги ҳисобот ва сайловлар, шаҳар ва район партия конференциялари юксак уюшқоқлик ва сиёсий кўтаринкилик вазиятида, камчиликларни ишчанлик билан танқид ва ўз-ўзини танқид қилиш янада ўсган вазиятда ўтди. Йиғилишларда ва конференцияларда область коммунистларининг 96 процентдан зиёдроғи иштирок этди. Қилинган ишларга якун ясашда ва келгусидаги планларни муҳокама этишда 32 минг киши қатнашди. Хўжалик ва партиявий ишдаги мавжуд камчилик ва нуқсонларга барҳам беришга қаратилган салкам 11 мингта таклиф, мулоҳаза ва илтимослар билдирилди.

Ўртоқ Ю. В. Андроповнинг КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил) Пленумида берган йўл-йўриқлари — партиянинг раҳбар органларига сайланиш шарафига муяссар бўлган кишилар қайси участкада ишламасин, бу ишончни фидокорона меҳнатлари билан оқлашлари, онгли интизом, принципиаллик, софлик, ишга ҳалол муносабатда бўлиш намунасини кўрсатишлари кераклиги ҳақидаги йўл-йўриқлари биз учун жуда актуал ва қимматлидир.

Биз партия ва халқ олдидаги юксак нуқтаи назардан туриб барча кадрлар фаолиятини баҳолашимиз керак. Ҳисобот даврида, область раҳбар кадрлари составининг анча яхшиланди. Область, шаҳар, район партия комитетлари номенклатурасига кирган ходимларнинг 80 проценти олий маълумотга эгадир. Уларнинг 50 процентдан зиёдроғи халқ хўжалиги мутахассисларидир. Ҳозир биз партия аппаратининг бўлим, сектор раҳбарлари, инструкторларининг етарлича малакали составига, совет, касаба союз ва комсомол органлари аппаратларида билимдон ходимларга эгамиз.

Ишнинг кўзини билиш, юксак касб даражаси саноат корхоналари, қурилиш, транспорт, алоқа ташкилотлари, колхоз ва совхозларнинг жуда кўпчилик раҳбарларига хос хусусиятдир. Саноат, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ўрта звеноси кадрларининг сифат составини яхшиланяпти.

Ҳисобот даврида аввалгидек кадрларни ўқитишга, уларнинг малакасини оширишга кўп эътибор қаратилди. Уч йил ичида 92 ходим КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясини ва Тошкент олий партия мактабини тамомлади, 1362 партия ва совет ходими Москвадаги Ижтимоий фанлар академияси ҳузуридаги малака ошириш институтида ҳамда партия ва совет кадрларини қайта тайёрлаш республикалараро ва областлараро курсларида ўз билимларини бойитдилар. КПСС Марказий Комитети мунтазам ўтказаётган кенгаш ва семинарлар ташкилий-партиявий ва идеологик ишларни яхшилаш масалаларида кадрларимизга бебаҳо ёрдам берди.

Партия ва ҳукумат директиваларини, қабул қилинган қарорлар ижросини амалий назорат қилиш топширилган иш учун кадрлар масъулиятини кучайтиришнинг муҳим воситасидир. Ўтган уч йил ичида область партия комитетининг бўлимлари бюро ва секретариатда кўриб чиқиш учун қабул қилинган қарорлар бажарилишининг боришини назорат қилишга оид 92 та масала киритдилар.

Партиявий иш юритишни янада аниқ йўлга қўйиш назорат самарадорлигини оширишга таъсир кўрсатмоқда. Ҳисобот даврида область партия комитети ҳужжатлар билан ишлашга тааллуқли 30 масалани ўрганди ва муҳокама қилди. Бу эса ҳужжатларни ҳисобга олишни яхшилаш, ҳужжатларни ўз вақтида кўриб чиқиш, уларнинг ўтиши оперативлигини ошириш имконини берди.

Халқ депутатлари Советлари тўғрисида муттасил ғамхўрлик кўрсатиш область партия комитети ташкилотчилик ва сиёсий фаолиятининг таркибий қисми ҳисобланади. Кейинги йилларда область, шаҳар, район, область халқ депутатлари посёлка қишлоқ советларининг иш савияси сезиларли даражада ўсди. Улар ўз сафларига 15 минг халқ депутатлари ва кўп минг кишилик активни бирлаштирган.

Советлар хўжалик, социал-маданий вазифаларни ҳал этишга ўз таъсирларини кучайтирдилар. Ижроия комитетларнинг доимий комиссиялари фаолияти яхшиланди, сайловчилар наказларини бажариш ишлари яхшиланди, депутатларнинг активлиги ошди.

КПСС Марказий Комитетининг СССР Олий Советига сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш муносабати билан партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги қарори асосида бундан буён ҳам халқ депутатлари Советларига, доимий комиссияларга, депутатлик группаларига раҳбарликни янада яхшилаш, депутатларга уларнинг жамоатчилик фаолиятида кўпроқ ёрдам бериш зарур.

СССР Қонунида белгилаб берилган ҳуқуқларга кўра халқ контроли комитетлари, группа ва постлари анча қатъият билан ишлайдиган бўлиб қолдилар. Бундан буён ҳам интизомсизлика, давлат ва план интизоми бузилишларига ва хўжалик фаолиятидаги бошқа нуқсонларга қарши кураш олиб боришда уларнинг ролини ошириш лозим.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари область касаба союзлари ишига чуқурроқ кириб борадиган бўлиб қолдилар. Ҳозир уларнинг safларида бир миллион 523 минг киши бор. Ҳисобот даврида касаба союз ташкилотларининг активлиги ошди.

Область партия комитети, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия комитетлари 675 минг кишилик область комсомол ташкилотининг фаолиятини ҳамиша ўз диққат марказларида тутмоқдалар.

Область комсомоллари, ажойиб ёшлари ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари билан боғлиқ кўпгина яхши ишларни қилмоқдалар. Улар ғоявий эътиқодларини, меҳнатга муҳаббатларини ҳамда йигит ва қизларнинг юксак гражданлик масъулиятини намоён этмоқдалар.

Ёшларни тарбиялашда партия ташкилотлари, партия ветеранлари, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат қаҳрамонлари, бизнинг ажойиб мураббийларимиз, барча коммунистлар муҳим роль ўйнамоқдалар. Уларнинг бурчи ўзларининг тажрибаларини, ғоявий эътиқодларини йигит ва қизларга янада активроқ сингдиришдан иборат.

Ўтган уч йил ичида, деб таъкидлади ўз докладининг охирида ўртоқ М. М. Мусахонов, область партия ташкилотининг иш якунлари шундан далолат бериб турибдики, халқ хўжалигини ривожлантиришда область партия комитети, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларининг иш услуб ва методларини такомиллаштиришда муайян ижобий натижалар қўлга киритилди. Аммо биз ленинча кўрсатмани қатъий ёдда тутамиз. Бу — эришилган муваффақиятлардан асло хотиржамликка тушмаслик, ютуқлардан кифояланмаслик, мудом олға бориб, мудом кўпроқ ютуқларга эришишдан иборатдир.

Беш йилликнинг якунловчи босқичида биз янада мураккаброқ ва кенгроқ миқёсдаги вазифаларни ҳал этишимиз лозим. 1984 йил планлари ва зиммага олинган тиғиз социалистик мажбуриятларни муваффақиятли амалга ошириш ҳар биримиздан уюшқоқлик, уддабурролик, юксак меҳнат интизоми ва сиёсий активликни талаб этади.

КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съезди, КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил) Пленуми белгилаб берган барча режаларни бажариш — бизнинг шон-шараф ишимиз, вазифамиз, ватанпарварлик бурчимиздир.

* * *

Ревизия комиссиясининг раиси **А. Н. Кўдинов** Тошкент область партия ташкилоти ревизия комиссиясининг иши тўғрисида доклад қилди.

Область партия комитетининг ҳисобот доклади ва область партия ташкилоти ревизия комиссиясининг докладини юзасидан музокараларда сўзга чиққан Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **У. У. Умаров** шуни таъкидлаб ўтдики, тошкентликлар беш йилликнинг тўртинчи йили меҳнат солномасини зўр кўтаринки руҳда бошладилар. КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил) Пленуми ва СССР Олий Советининг сессияси қарорлари, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Пленумдаги нутқи текстида баён этилган қоида ва хулосалар янги ижодий куч-ғайратни жўш урдириб юборди, бизни экономика ва социал тараққиётда янги марраларни қўлга киритишга чорлади. Бугунги кунда ўтган уч йил ичида қилинган ишлар ва эришилган ютуқларга баҳо бериб шуни қониқиш билан айтиш мумкинки, шаҳар бўйича, худди областдаги сингари, беш йиллик топшириқларини муваффақиятли якунлаш учун яхши асос яратилди. Ишимизнинг асосий якуни шундан иборатки, ҳисобот даврида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг катта ёрдами ва қўллаб-қувватлаши натижасида, область партия комитети раҳбарлигида Тошкентни социал-иқтисодий ривожлантириш планининг асосий қоидаларини бажариш таъминланди.

Шаҳар саноатида ишлаб чиқариш ҳажми 16,4 процент ошди, бу эса беш йилликнинг директив топшириқларидан юқоридир. Ана шу ўсишнинг тўртдан уч қисмидан кўпроғига меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига эришилди. Кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш жадал суръатларда олиб борилди. Ўтган уч йил ичида кенг истеъмол моллари ишлаб чиқармаган 57 та корхонадан 52 таси ана шундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Капитал қурилишда ҳам кўпгина ишлар қилинди. Барча тармоқларда ўзлаштирилган капитал маблағ 2 миллиард сўмдан зиёддир. 2,5 миллион квадрат метр майдонда турар жойлар, мактаблар, болалар боғчалари, касалхоналар, поликлиникалар қурилди. Тошкентнинг 2000 йиллигига тайёргарлик кўриш чоғида шаҳарнинг архитектура қиёфаси яхшиланди.

Транспорт ва алоқа, савдо, хизмат кўрсатиш тармоқлари, экономика ва маданиятнинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга партиявий раҳбарлик такомиллаштирилди.

Тошкент коммунистлари, барча меҳнаткашларининг иш самарадорлиги ва сифатини кўтариш учун кураши айниқса КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленуми қарорлари асосида янгича моҳият касб этди. Ижтимоий-сиёсий, ишлаб чиқариш фаолиятининг барча йўналишларида уюшқоқликни ошириш ва партия, давлат, меҳнат ҳамда план интизомини мустаҳкамлаш юзасидан кўрилган тадбирлар самараси анча салмоқли бўлди.

Ўтган йили шаҳар бўйича иш вақтининг йўқолиши тўртдан бир қисмга қисқартирилди. Меҳнат коллективлари тўғрисидаги Қонун моддаларига мувофиқ суратда омманинг ижодий активлиги янгича босқичга кўтарилмоқда. Буларнинг ҳаммасини биз шаҳарнинг 103 минг кишилик коммунистлар армияси етуклигининг далили ва олдимизда турган вазифаларни муваффақиятли бажариш, камчилик ва нуқсонларга барҳам беришнинг гарови деб баҳолаймиз. Камчиликлар эса ҳали бор.

Шаҳар саноатида меҳнат унумдорлигини ўстириш бўйича беш йиллик топшириғи графикдан ўзган ҳолда бораётганига қарамай биз шуни яхши тушунамизки, бундан ҳам каттароқ натижаларга эришишимиз мумкин эди: бунинг учун илмий-техника тараққиёти ютуқларини жорий этишни жадаллаштириш, барча резерв ва имкониятлардан янада активроқ иш олиб бориш лозим эди.

Айниқса капитал қурилишда жиддий нуқсонлар бор.

Шу кунларда шаҳар меҳнат коллективларида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги нишонланадиган 1984 йил учун қабул қилинадиган социалистик мажбуриятларни муҳокама қилиш ниҳоясига етяпти. Хўжалик юритиш савиясини ошириш ва илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва иқтисод режимини кучайтиришга асосий эътибор қаратилди.

Шаҳар партия комитети бюроси шу йилнинг 9 январида пландан ташқари меҳнат унумдорлигини камида 1 процент ошириш, маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процент камайтириш ва шу асосда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига беш йиллик топшириғини бажариш мажбуриятини олган Тошкентнинг илғор бригадалари ташаббусини маъқуллади. Ҳозир партия комитетлари республика пойтахтининг барча коллективлари, минглаб ишчилар ўртасида бу ҳаракатни кенг ёйиш юзасидан конкрет тадбирлар кўряпти.

Доклад юзасидан музокараларда, шунингдек Бўка район партия комитетининг биринчи секретари **Т. И. Исломов**, Чирчиқдаги «Узбекхиммаш» заводининг кранчиси **С. С. Приходько**, Пискент районидаги «Пискент» совхозининг пахтачилик бригадаси бошлиғи **Д. Норматова**, Янгийўл шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **В. И. Рибалко**, Тошкент тўқимачилик комбинатининг партия комитети секретари **У. Султонова**, Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозининг раиси **Хван Ман Гим**, «Ёшлик» журналининг бош редактори **Э. Воҳидов**, Чиноз наслчилик совхоз-техникумининг директори **И. И. Гусаков**, Ўзбекистон металлургия заводининг пўлат эритувчиси **И. Мандонов**, Ангрендаги «Резинотехника» заводининг директори **И. Искандаров**, Тошкент илмий маркази раиси **Т. Жўраев**, Ангрен шаҳар ижроия комитети раиси **Д. К. Бабкин**, Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **М. Исоқова**, Тошкент область касаба союзлари Совети раиси **А. В. Бранлов**, Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи Сиёсий бошқармасининг бошлиғи, ҳарбий кенгаш аъзоси **Н. А. Моисеев**, Тошкент шаҳридаги 39-мактаб бошланғич партия ташкилотининг секретари, ўқитувчи **З. Мавлонова**, ТошДУнинг КПСС тарихи кафедраси мудири **Л. В. Гентшке**, область комсомол комитетининг биринчи секретари **М. Маҳмудов**, «Алмаликсвинецстрой» трестининг бошқарувчиси **А. В. Бережной**, Ғалаба районидаги «Огонёк» совхозининг бўлим бошқарувчиси **А. Урмнева** сўзга чиқдилар.

Конференция делегатлари мандат комиссиясининг раиси **О. З. Зуфаров**нинг докладини тингладилар.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **И. Б. Усмонхўжаев** нутқ сўзлади.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари **Р. Ҳ. Абдуллаева, Е. А. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, Ғ. Ҳ. Қодиров, Ю. П. Максимов, В. К. Михайлов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова, У. У. Умаров**, КПСС Марказий Комитети Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги бўлими мудирининг ўринбосари **В. Н. Ткачев**, КПСС Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлими секторининг мудири **В. И. Смирнов** қатнашдилар.

Конференция область партия комитетининг ҳисобот доклади ва область партия ташкилоти ревизия комиссиясининг доклади юзасидан қарор қабул қилди.

Конференция область партия комитети ва область партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составини сайлади.

Делегатлар партия гимни — «Интернационал»ни ижро этиб, конференция ишини якунладилар.

СУРАТЛАРДА: область партия конференцияси мажлислар залида; конференция қатнашчилари — Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхозининг сабзавоткорлар бригадаси бошлиғи Т. Шоғиёсова, В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Маниёпов, Тошкент тўқимачилик комбинати йигирувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Б. Жўраева, Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз пиллачилик агрономи Н. Каримова.

Т. Каримов фотолари.

• ФАННИНГ ОЛДИНГИ МАРРАЛАРИДА

ШОНЛИ ЙЎЛ БОСҚИЧЛАРИ

БУГУН

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти коллективига «Ҳурмат Белгиси» орденн ҳантанали суратда топширилди.

Институт ўзининг 50 йиллик фаолияти давомида республикамизда филология илмининг байроқдори бўлиб қолди. Унинг олимлари яратган кўплаб ишлар эса Бутуниттифоқ ва халқаро миқёсда эътироф этилди.

Биз институт директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси М. Қ. Қўшжоновдан институт босиб ўтган ярим асрлик йўл, коллективнинг ҳозирги кундаги ишлари ҳақида гапириб беришни илтимос қилдик.

— Энг аввало, — дейди М. Қ. Қўшжонов, — институтимиз коллективи номидан Коммунистик партия, Совет ҳукуматига меҳнатимизни ана шундай юксак баҳолаганлиги учун катта миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Бу мукофотга жонажон Ўзбекистонимиз фанининг янада равнақи, мамлакатимиз халқлари қардош миллий маданиятларининг ўзаро бир-бирини бойитиши жараёнига ҳисса қўшиш йўлида астойдил, фидокорона меҳнат билан жавоб берамиз.

— Матёқуб Қўшжонович, институт коллективига берилган «Ҳурмат Белгиси» ордени ярим аср ичида амалга оширилган катта ишларнинг эътирофидир. Шунинг учун ҳам хаёлан унинг тарихига бир назар ташласак.

— 1929 йилда Ўзбекистон тарихида биринчи комплекс илмий муассаса — Ўзбекистон Давлат илмий-тадқиқот институти ташкил этилганида унинг составида ўзбек тили, ўзбек адабиёти секторлари ва фольклор кабинети бор эди. Кейинчалик улар Ўзбек Давлат маданий қурилиш илмий-тадқиқот институти ихтиёрига ўтди.

Партия ва ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлиги туфайли ўзбек филологияси шунчалик тез суръатлар билан ривожлана бошладики, Халқ Комиссарлари Совети 1933 йилда ана шу илмий-тадқиқот институтини қайта тузиш ва шу асосда иккита мустақил илмий муассаса ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди.

Ана шу ҳукумат қарорига кўра тил ва адабиёт институти ташкил этилди. 1937 йилдан буён у буюк рус шоири А. С. Пушкин номи билан аталмоқда.

Бугунги кунда илмий ходимларнинг 81 процентини фан докторлари ва кандидатлари ташкил этади. Кичик илмий ходимлар орасида эса илмий даражали мутахассислар деярли 70 процентни ташкил этади. Булар республикамизда илмий кадрларни камол топтириш, фанни ривожлантириш борасидаги партиямиз ғамхўрлигининг ёрқин мисолидир.

Институтимизнинг н г бунёд этилишида Отажон Ҳошимов, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ўйғун, Шайхзода, Саидғани Валиев, Ҳоди Зарифов, Ҳомил Ёқубов сингари таниқли ўзбек олимлари ва ёзувчилари катта роль ўйнаганлар. Институтнинг биринчи аспирантлари сафида Ўзбекистон филология илмининг ветеранлари И. Султонов, Ю. Султонов, Ф. Камолов, У. Маъруфов, Ж. Шарипов, С. Муталлибоев, О. Усмонов, Х. Расулев, В. Абдуллаев ва бошқалар бор эди.

— Институт коллективи яратган айрим тадқиқотларни айтиб ўтсангиз.

— Икки жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати», беш жилдли «Инқилобдан олдинги ўзбек адабиёти тарихи», тўрт жилдли «Ўзбек совет адабиёти тарихи», уч жилдли «Ўзбек тили грамматикаси», уч жилдли «Рус адабиёти тарихи очерклари», икки жилдли «Ўзбек совет болалар адабиёти тарихи очерклари», диалектология, ўзбек тили тарихи, Ўзбекистонда рус тилининг равнақига оид ўнлаб монографиялар, хилма-хил рус-ўзбек ва терминологик луғатлар бунга мисол бўла олади. Уларнинг кўпчилиги кейинги йилларда амалга оширилган.

— Институт олимлари мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидаги ўз ҳамкасблари билан ўрнатган ижодий алоқалар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Ўттизинчи йиллардаёқ институт штатида бўлган ёки унинг фаолиятида иштирок этган олимлар орасида Е. Д. Поливанов, Е. Э. Бертельс, А. В. Миртов, А. К. Боровков, И. А. Батманов, К. К. Юдахин, В. В. Решетов, А. Г. Саади сингари таниқли рус ва бошқа қардош халқлар олимлари бор эди.

Улуғ Ватан уруши йилларида бу ерда В. М. Жирмуниский, Е. Э. Бертельс, В. Шишмарёв, Н. К. Пиксанов, Д. Н. Ушаков сингари жаҳонга машҳур олимлар иш олиб боришган.

Қардош республикалар олимлари билан ҳамкорлик йилдан йилга кенгайиб ва чуқурлашиб боряпти. Ҳозирги пайтда Москва ва Ленинград шаҳарларининг олимлари ва етакчи турдош муассасалар билан, СССР Фанлар академиясининг тилшунослик ва рус тили институтлари, қардош республикаларнинг Тил ва адабиёт институтлари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатганмиз. Чет мамлакатлар билан илмий ва ижодий ҳамкорлигимиз ҳам йилдан-йилга мустаҳкамланиб боряпти.

— Институт юксак малакали мутахассислари тайёрлаш бўйича ҳам самарали фаолият олиб боряпти. Шу борадаги ишлар билан таништирсангиз.

— Ҳозирги пайтда институтда қандидатлик ва докторлик диссертациялари бўйича иккита ихтисослашган совет ишлаб турибди. Агар институт ташкил этилган 1933 йилда институтда бирорта ҳам фан кандидати бўлмаган бўлса, фақатгина 1983 йилда ана шу ихтисослашган кенгашларда 30 дан ортиқ докторлик ва кандидатлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Шуниси диққатга сазоворки, бу мутахассисларн и н г катта қисми фақатгина республикамиз учун эмас, балки Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон олий ўқув юртлари ҳамда илмий муассасалари учун ҳам тайёрланди.

* * *

СУРАТЛАРДА: янги ишлар муҳокама қилинмоқда; ўртада институт директори М. Қ. Қўшжонов; институт коллективи яратган тадқиқотлар ва нашрга тайёрланган китоблар.

М. Нуриддинов фотолари.

УЛҒАЙИШ ЙИЛЛАРИ

● 1935 йилда институтда бор-йўғи 17 илмий ходим ишларди. Улар орасида фан доктори ҳам, фан кандидати ҳам йўқ эди.

● Ҳозирги пайтда бу ерда 20 фан доктори, 94 фан кандидати, 1 Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги ва 3 мухбир аъзоси меҳнат қилмоқда.

● Институт олимлари ўзбек совет адабиётини пропаганда қилишда актив иштирок этмоқдалар. Улар тўрт жилдли Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий тўла асарлар тўпламини, 12 жилдли Ойбек асарларини, 10 жилдли Ҳамид Олимжон асарларини, ўзбек халқ оғзаки ижодининг 25 жилдини нашрга тайёрладилар.

● Институт коллективи Венгрия, ГДР, Афғонистон, Сурия, Япония, АҚШ ва бошқа мамлакатлардаги ҳамкасблари билан ижодий алоқалар ўрнатган. Институт олимлари кўпгина халқаро ва Бутуниттифоқ симпозиумларда иштирок этишган.



«ТИНЧЛИК, СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАЛҚЛАР ОЗОДЛИГИ УЧУН»

Уч қитъа экрани

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг саккизинчи халқаро кинофестивали 23 майдан 2 июнгача Ўзбекистон пойтахтида ўтказилади. 13 январь куни СССР Ташқи ишлар министрлиги матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот конференциясида совет ва чет эл журналистларига шу ҳақда маълум қилинди.

Фестивалнинг бош директори А. Абдуллаев кинокўрикнинг «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» олижаноб шиори ҳозирги мураккаб халқаро вазиятда алоҳида оҳанг касб этади, деди. Бу шиор тараққийпарвар экран усталарининг ўз санъати билан инсониятни янги жаҳон уруши ёғнигига тортишга интилаётган империализм кирдикорларига қарши курашиш йўлидаги интилишига тўла-тўкис жавоб беради.

100 дан ортиқ мамлакат ва халқаро ташкилотларнинг вакилларига фестивалда қатнашиш учун таклифнома юборилди. Уларга республика меҳнаткашларининг ҳаёти билан танишиш имконияти берилади. Аньанага кўра фестивалнинг энг яхши фильмлари Совет Иттифоқи жамоат ва ижодий ташкилотларининг совринлари ва дипломлари билан тақдирланади.

Киноанжуман программасига мувофиқ фестиваль шиори остида ижодий мунозаралар ўтказилади. Мунозарада машҳур режиссёрлар, актёрлар, кино назариячилари қатнашадилар. Тошкентда халқаро кино бозори ишлайди.

(ТАСС).

Аркадий Гайдар туғилган куннинг 80 йиллигига

Қаламни найзага айлантириб...

Болаларнинг суюкли адиби Аркадий Гайдар забардаст журналист ҳам эди. У журналист сифатида Арзамас партия ташкилотининг органи — «Молот» газетасида масъул котиб сифатида иш бошлаганида эндигина ўн тўрт ёшга кирганди.

Аркадий Гайдар худди шу ёшда коммунистлар партияси сафига қабул қилинди. У олти йил узлуксиз равишда она-Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида душманга қарши кураш олиб борди. Оддий солдатликдан полк командири даражасигача бўлган йўлни босиб ўтди. Бу давр ичида у ҳаётнинг ижир-чижирларини ўрганди. Ижод устида қайта-қайта машқ қилди, изланди. Кўплаб шеърлар ижод этди.

Аркадий Гайдарнинг ҳам журналист, ҳам адиблик фаолияти йигирманчи ва ўттизинчи йилларда юксак чўққига кўтарилди. У ўлкамизни саёҳат қилиб юришни, мамлакатимизда содир бўлаётган тарихий воқеаларни ўз кўзи билан кўришни ва шу ҳақда ёзишни яхши кўрар эди. Шу эзгу ният билан у 1925 йилда Пермга келди. Бу ерда чиқадиган «Смена» газетасига фельетончи бўлиб ишга кирди. Пермликлар тез орада Гайдарни севиб қолдилар. Унинг хилма-хил мавзудаги фельетонлари газетхонларни ўзига мафтун этиб қўйган эди. Шунисн қизиқки, ҳатто пермликлар Аркадий Гайдарни бирор ташкилот деб ҳисоблаб, фельетончига ёзадиган мактубларининг адресига: «Пермь, Аркадий Гайдарга...». деб кўрсатар эдилар.

Мамлакатимизда кун сайин янги-янги завод, фабрикалар қад кўтарар, қудратли ГЭСлар бунёд этилар эди. Гайдарнинг бундай улкан воқеалар тўғрисида тезроқ ёзгиси келар, бунинг учун эса кўп юриши, ўз кўзи билан кўриши зарур эди. У болалик дўсти Николай Кондратьев билан саёҳатга чиқади. Урта Осиё ҳамда Ростов-Донда бўлади. Социализм бунёдкорларининг қайноқ меҳнатлари билан танишиб, улар тўғрисида ранг-баранг мавзуларда очерклар ёзади.

Аркадий Гайдарнинг Свердловскдаги «Уральский рабочий» газетасида кўрсатган фаолияти ҳам таҳсинга лойиқдир. Бу ерда унинг «Ўрмон оғалари» қиссаси майдонга келди. Асар ҳақида ураллик машҳур эртакчи Павел Бажов илиқ фикр билдирди...

Аркадий Гайдарга Архангельск шаҳри ҳам опам-олам қувонч келтирди. Бу ерда ўғли Тимур дунёга келди. Унинг исмини Тимур деб, ўзига жуда яқин ва қадрдон бўлиб қолган Михаил Васильевич Фрунзенинг ўғли отини қўйди. У революциянинг довюрак рицаригга ўзининг мангу ёдгорлиги, бир умр миннатдорчилиги бўлиб қолсин учун шу номни танлади.

Аркадий Архангельскда «Правда Севера» деган газетада фельетончи бўлиб ишлай бошлади. Унга мана бундай шарт қўйилган эди: ойига ўнта фельетон. Бу бошқалар ўйлагандек ўз-ўзидан пайдо бўлмас эди. У кундузи редакцияда, кечқурун ва кечалари «Мактаб» қиссаси устида ишлар эди. Бир кечада ўн тўрт бет ёзишни ўзига норма қилиб белгилаганди.

Журналист-Г а й д а р мамлакатимизнинг жуда кўп жойларини кезиб чиқди. Ўнлаб очерк, фельетонлар ёзди. «Узоқ эллар», «Ҳаворанг пиёла», «Отлиқлар ғам-ташвиш сабабчиларн эмаслар», «Барабанчининг тақдири», «Граф саройн харобаларида», «Телба», «Ҳарбий сир», «Порлоқ нур», «Ёнар тош»; «Тимур ва унинг командаси» каби қиссаларнинг, бир қатор ҳикоя, пьеса, шеър ва поэмаларнинг авторн сифатида элга танилди. Ижоддаги муваффақиятларини партия ва ҳукуматимиз муносиб тақдирланди. Унга «Ҳурмат Белгиси» ордени берилди.

Аркадий Гайдар Улуғ Ватан уруши бошланиши биланоқ «Комсомольская правда» газетасининг мухбири сифатида ҳаракатдаги армияда бўлди.

«Комсомольская правда» саҳифаларида чоп этилган «Қўлингга қурол ол, комсомол авлоди!», «Уруш ва болалар», «Кўприк», «Кечув олдида» каби ўнлаб мақолаларида; «Тимурнинг қасами» қиссасида, уруш даврида ёзган ажойиб ҳикояларида болаларни она-Ватан ҳимоясига, катталар билан елкама-елка туриб жанг қилишга ундади.

Журналист ва адиб Аркадий Гайдар қўлига қурол олиб, қуршовда қолган партизанлар билан пулемётчи сифатида душманга қарши кураш олиб борди. У 1941 йилнинг 26 октябрида разведкага бориб, Украиннанинг Леплев қишлоғида мардларча ҳалок бўлди.

Ун тўрт ёшидан бошлаб умрининг охирига қадар журналист бўлиб қолган Аркадий Гайдар она-Ватанимиз озодлиги ва бахти йўлида ана шундай ҳалок бўлди. Лекин унинг иккинчи умри — ёзган асарлари яшамоқда. Кўчалар, пионер уйлари, мактаб, кутубхона, пароход ва пионер дружиналаридан бир нечтасига Аркадий Гайдар номи берилган.

Аркадий Гайдар китоблари билан коммунизм бунёдкорларининг янги-янги авлодлари етишиб чиқмоқда.

Мамасоли ЖУМАБОЕВ, филология фанлари кандидати.

Санъатнинг сеҳрли олами

БИР АСАР ТАРИХИ

Таниқли совет рассоми Исаак Израиле-вич Бродский туғилган кунга 100 йил тўлди. Таниқли рангтасвир ва портретлар устаси И. Бродский тарихий-инқилобий мавзудаги картиналар, доҳиймиз Владимир Ильич Ленининг кўпгина портретлари муаллифидир. Унинг тарихий-инқилобий мавзудаги «В. И. Ленин Путилов заводида нутқ сўзламоқда», «26 Боку комиссарларининг отилиши», «Ленин Смольнийда» ва бошқа картиналари бизга яхши маълум.

РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби И. И. Бродский Одесса санъат билим юртида, сўнгра эса Петербургдаги бадиий академияда И. Е. Репин классида таҳсил олган. У Биринчи рус революцияси йилларида ўзининг ўткир карикатуралари билан кўпгина инқилобий журналларда қатнашар, ранг-баранг асарларида мавжуд воқеликни тараннум этарди.

У 1934—1939 йилларда Бутунроссия санъат академиясининг живопись, ҳайкалтарошлик ва архитектура институти директори ва профессори бўлиб ишлади. Рассом кўп йиллар самарали меҳнат қилди. Унинг кўпгина асарлари иттифоқимизнинг бир қатор музейлари экспозицияларига киритилган. Улар орасида Бродский доҳиймиз В. И. Ленин сиймосини оддий қаламда чизган картина алоҳида аҳамиятга эга. Унда доҳийнинг дастхати ҳам бор.

Архив ҳужжатлари гувоҳлик беришича, бу асарнинг яратилиши жуда қизиқарли. Маориф ишлари халқ комиссариф А. В. Луначарскийнинг Владимир Ильич Ленинга ёзган мактубларидан бирида таниқли рассом И. И. Бродский В. И. Ленин сиймосини акс эттириш ниятидалиги ва у бунга ҳар жиҳатдан муносиб эканлиги баён қилинган. Бу хат 1918 йилнинг баҳорида ёзилган бўлса-да, фақат 1920 йилнинг июнида Бродский Коммунистик Интернационалнинг иккинчи конгресси тантанали очилишида доҳиймиз В. И. Ленининг сиймосини картинага туширишга муваффақ бўлди. Бу ҳақда рассом шундай ёзади: «...Мажлис бошлаишидан анча илгари келиб президиум яқинидан қулай жой танладим. Владимир Ильичдан бир неча қадам нарида туриб унинг юз қиёфаси, хатти-ҳаракатларини синчиклаб ифода этишга ҳаракат қилдим... Қулай пайт пойлаб доҳийга тайёр бўлган расмни кўрсатиб, имзо чекиб беришни илтимос қилдим. Қаламда ишланган расмга синчиклаб назар солган Владимир Ильич у ўзига ўхшамаслигини айтди... Шундан сўнг доҳий мени узоқ куттирмай суратга имзо чека бошлади ва табассум билан деди: «Ўзимга маъқул бўлмаган нарсага биринчи бор имзо чекишим». Шундай дея у суратни менга қайтариб берди. Аммо бир неча дақиқадан сўнг сурат қўлма-қўл бўлиб кетгач, кўпчилик у доҳийга жуда ҳам ўхшашини айтишди. Шундан сўнг Владимир Ильич уни яна бир бор кўздан кечириб: «Чиндан ҳам ўхшар экан...» деди.

Шундан бир йил кейин Коминтернинг Москвада бўлиб ўтган учинчи конгрессида И. И. Бродский доҳийнинг яна учта суратини ишлашга муваффақ бўлди. Унинг доҳий билан учрашуви тарихий-инқилобий мавзуда кўпгина асарлар яратишга илҳомлантирди. Бродский бутун дунё меҳнаткашларининг улуғ доҳийси портретини яратаётиб, энг аввало унинг чуқур инсонийлиги, камтаринлиги ва соддалигини тўлақонли ифодалашга ҳаракат қилди. Унинг мўйқаламига мансуб картиналар даврнинг, тарихий воқеаларнинг чинакам бадиий талқинидир.

О. АПУХТИН.

* * *

СУРАТЛ А Р Д А: Рассом И. И. Бродский; И. И. Бродскийнинг «В. И. Ленин портрети».

Автор фотолари.

• Театр сафари

КИЧИК ТОМОШАБИННИ МАМНУН ЭТИБ

Республика қўғирчоқ театри артистларининг труппаси Ангрен шаҳрига жўнаб кетди. Театр санъаткорлари у ерда кичик томошабинларга «Гав лақабли мушукча» спектаклини кўрсатишади. Артистлар бир ҳафта мобайнида Оҳангарон, Янгиобод шаҳарларида ҳам бўлиб, икки минг томошабин учун 15 дан ортиқ концерт беришади.

Пойтахт областининг мактаб ўқувчилари ана шу театрда ўзбек тилида япон эртакларн асосида ишланган «Ойни ким ўғирлади» қўғирчоқ спектаклини томоша қилишди. Бу асарнинг муаллифи шоир Раим Фарҳодий. Саҳна асари Қуёш чиқар мамлакатининг қўғирчоқларн ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилади. Артистлар япон санъати тарихини чуқур ўрганиб, ана шу асарни тайёрлашга муяссар бўлишди. Асар музикасини композитор Ф. Яков-Яновский басталаган, театр бош режиссёри И. Ёқубов асарни саҳнага қўйган, бош рассом В. Акудин безак ишларини бажарган.

БИЛДИРИШ

Партия комитетлари ва «Билим» жамияти лекторлари диққатига.

24 январь соат 16 да «Билимлар уйи»да (Киров кўчаси, 24) «Раҳбар минбари» туркумида навбатдаги машғулот ўтказилади.

Тингловчилар ҳузурида Тошкент шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари С. Т. Алиев, халқ маорифи бош бошқармасининг бошлиги Ҳ. К. Йўлдошев, педагогика илмий-текшириш институти директори вазифасини бажарувчи Н. Р. Ғайбуллаев, шаҳар ҳунар-техника таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Э. А. Каттахўжаев сўзга чиқадилар.

Педагогик билимлар халқ университетларининг раҳбарлари, тингловчилари, лекторлар таклиф этилади.

ГАЗЕТХОНЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

ҲАМЗАНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ

Ҳурматли редакция!

Профессор Л. Қаюмовнинг «Ҳамза» («Ажойиб кишилар ҳаёти» серияси)да) китобида «Ҳамзанинг ўғли Аббос Ниёзий Улуғ Ватан урушининг биринчи кунларидаёқ кўнгилли бўлиб Совет Армияси сафига кетди, душманларга қарши мардларча курашди ва 1943 йил 19 август куни қаҳрамонларча ҳалок бўлди...» деб ёзилган. Шунингдек, газетанинг ўтган йил 48-сонидаги О. Эргашевнинг «Овоз қудрати» мақоласида ҳам шоирнинг ўғли Аббос ҳақида айтиб ўтилган. Шуларни ўқиб, инқилоб ва янги ҳаёт куйчиси Ҳамзанинг Аббосдан бошқа фарзандлари ҳам бўлганми деган савол туғилди, илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.

Э. САИДҚУЛОВ,

Сирдарё район, «Малик» совхозидаги 21-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Чиндан ҳам, Эргаш Саидқулов берган савол кўпларни қизиқтиради. Республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан шу мазмундаги саволлар ёзилган кўплаб мактубларни мен ҳам олиб турамай.

Ҳамза авлодларга ҳар томонлама ибрат бўларли қисқа, аммо сермазмун ҳаёт кечирди. Шу маънода савол жуда ўринли. Шоирнинг фарзандлари ҳақида гапирарканмиз, оилавий аҳволига тўхталмай илож-жимиз йўқ, албатта.

Ҳамза 1912 йил октябрь ойида Аксинья Уваровага уйланган. У билан бир неча йил умр кечирган. Бир ўғил ва бир қиз кўришган. Ўғлининг номи Ғиёжон, қизчаси София эса гўдаклика вафот этган.

1919—1920 йиллари Ҳамза Туркистон фронт штаби Сиёсий бошқармаси қошида Ўлка сиёсий драмтруппа раҳбари бўлиб гражданлар уруши фронтларида, Қизил Армия қисмлари ва маҳаллий аҳоли ўртасида хизмат қилиб юрганида Аксинья ўғли билан қариндошларини кўриб келгани Тамбов шаҳрига кетган. Кейин номаълум сабаблар билан қайтиб келмаган.

Ҳамза 1922—1924 йиллари Хўжайли шаҳрида мактаб-интернатда мудир ва муаллим бўлиб хизмат қилди. Ўша ерда, 1923 йили март ойида Зайнаб Аҳмаджонова билан турмуш қурган. 1924 йил, июль ойида Фарғона область партия комитети ва область ижроия комитети томонидан юборилган телеграммага кўра, Ҳамза оиласи билан Хўжайлидан Қўқонга қайтади. Бу ерда область сиёсий маориф муассасалари бошқармаси мудирининг ўринбосари ва область театр труппасининг бадиий раҳбари ҳамда режиссёри бўлиб хизмат қилади. 1925 йил февраль ойида улар фарзанд кўриб, исмини Аббос қўйишган.

Шундан кейин Зайнаб Аҳмаджонова Хўжайлига қайтиб кетамиз, деб туриб олган. Ҳамза эса бу ердан кетолмасди. У ниҳоятда иши кўплигини, Хўжайлига қайтиб кетишнинг иложи йўқлигини айтиб хотинига шароитни қайта-қайта тушунтирмоқчи бўлади, аммо хотини сира кўнмаган. Аббосхон отаси қўлида тарбияланган. Унга Ҳамзанинг опаси— ўқитувчи Ачахон Ниёзова (1884—1948) мураббийлик қилган.

1926—27 йиллари Ҳамза Фарғонанинг Аввал қишлоғида туриб, ижодий ишларини давом эттиради. Қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида сиёсий-тарбиявий ишлар олиб боради. Бу ерда у Каминахон Усмон қизи билан оила қуриб, 1928 йили туғилган ўғлининг номини Избосар деб атаган. Аммо Избосар 1929 йил март ойининг бошларида вафот этган.

Маълумки, Йўлдош Охунбобоев 1939 йили Ҳамза Ҳакимзода юбилейини ўтказиш ҳукумат комиссиясининг раиси бўлди. У кишининг топшириғи билан Ҳамзанинг ўғли Аббосхон Қўқон шаҳридан Тошкентга чақиртирилди ва хоҳишига кўра музика мактабига қабул қилинади. Мактабда унга махсус мураббий ҳам тайинланади.

Ҳақиқатдан ҳам Л. Қаюмов китобида айтилганидек, Аббосхон Улуғ Ватан урушининг биринчи кунлариданоқ кўнгилли бўлиб, Совет Армияси сафига кетади, душманга қарши мардларча курашади. У 1943 йил 19 август куни Орёл область Карачевск район, Речица қишлоғида бўлган жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлди ва ўша ерда дафн этилди.

Юсуф СУЛТОНОВ,

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси.

(«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасидан).

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ ВЕТ. ОКШОМИ

23 ЯНВАРЬ, 1984 й.

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

«СЕРВИС» АГЕНТЛИГИ

Турист

қуйидаги маршрутлар бўйича

ДАМ ОЛИШ УЧУН ТУРИСТИК ПУТЕВКАЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

МОСКВА — 1 март, 2 апрель, 2—22 майда 6 кунга. Баҳоси — 72 сўм.

ЛЕНИНГРАД — 25, 28 февраль, 7, 10, 29 март, 9, 12, 15 апрель, 7, 12, 15, 23 майда 10 кунга. Баҳоси — 64, 110 сўм.

НАХИМОВО—ЛЕНИНГРАД — 11 апрелда 20 кунга. Баҳоси — 120 сўм.

ЯЛТА — 1,21 майда 20 кунга. Баҳоси — 256 сўм.

ГАГРА — 17 майда 20 кунга. Баҳоси — 249 сўм.

СОЧИ — 15 апрелда 20 кунга. Баҳоси — 236 сўм.

СИЗ АГЕНТЛИКДА ҚУЙИДАГИ МАРШРУТЛАР БЎЙИЧА ПУТЕВКАЛАРГА БУЮРТМА БЕРИШИНГИЗ МУМКИН:

МОСКВА — февраль—май ойларида, 12 кунга. Баҳоси—142.

БОЛТИҚБЎЙИ—ЗАРАСАЙ — 16, 26 апрелда 10 кунга. Баҳоси — 88 сўм.

ДРУСКИНИНКАЙ — 19, 31 майда 15 кунга. Баҳоси — 125 сўм.

ВИЛЬНЮС—ПАЛАНГА — 14 майда 14 кунга. Баҳоси—184 сўм.

ПАЛАНГА — 5, 16 майда 10 кунга. Баҳоси —125 сўм.

ҚИРҒИЗИСТОН—Қирғизистоннинг серқуёш пойтахтидан Арслонбобдаги ёнғоқзор-мевазор (Фрунзе—Ўш, Арслонбоб). ўрмонзорларгача — 1, 9, 17, 25 июнда, 3, 11, 19, 27 июлда, 4, 12, 20, 28 августда, 5, 13 сентябрда 16 кунга. Баҳоси — 102 сўм.

ҚИРҒИЗИСТОН ДЕНГИЗ—АВТОВЕЛОСИПЕД МАРШРУТИ (Фрунзе — 3 кун велосипедда сайр билан 6 кун — Фрунзеда 1 кун — «Иссиққўлдаги «Улан» туристик базасида 6 кун — Фрунзеда 2 кун) — 1, 13, 25 июнда, 7, 19, 31 июлда, 12, 24 августда; 5 сентябрда 18 кунга. Баҳоси — 93 сўм.

ҚИРҒИЗИСТОНДАГИ ОЛАТОВДАН — ИССИҚҚЎЛ қўлигача—тоғда пиёда юриш маршрути (Фрунзеда 3 кун — 6 кунлик юриш—Фрунзеда 1 кун—«Улан» турбазасида 6 кун —Фрунзеда 2 кун) — 7, 19 июнда, 1, 13, 25 июлда , 6, 18, 30 августда, 11 сентябрда 18 кунга. Баҳоси — 89 сўм.

ҚОРА ДЕНГИЗДАГИ ЛАЗАРЕВСК «ДРУЖБА» ДАМ ОЛИШ УЙИ — 13 февралда 20 кунга. Баҳоси — 183 сўм.

ДАГОМИС (Сочида) — (иситиб берилдиган денгиз сувли ҳовузи бор, меҳмонхонада дам олинади) — 11 февралда, 2 мартда 20 кун. Баҳоси — 1 ўринли номер 297 сўм, 2 ўринли номер 259 сўм.

БУТУНИТТИФОҚ МАРШРУТЛАРИ:

ЛЕНИНГРАД—МОСКВА — 11 мартда, 1 апрелда 15 кунга. Баҳоси — 161 сўм.

УКРАИНА—МОСКВА — 2 февраль, 2, 22 апрелда 20 кунга. Баҳоси — 196 сўм.

ЗАКАВКАЗЬЕ БЎЙЛАБ — 21 февраль, 12 март, 21 апрелда 21 кунга. Баҳоси — 126 сўм.

ДАГОМИС—ГЕЛЕНЖИК — 1 мартда 20 кунга. Баҳоси — 100 сўм.

НОВЫЙ АФОН — 6 февраль, 17 март, 25 апрелда 20 кунга. Баҳоси — 92, 174, 267 сўм.

АРМАНИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН БЎЙЛАБ — 1 апрелда 20 кунга. Баҳоси — 130 сўм.

ТБИЛИСИ—ЕРЕВАН—БОКУ — 15 февралда, 1 март, 1 апрелда 18 кунга. Баҳоси — 150 сўм.

БОЛТИҚ БЎЙИДАН—БЕЛОРУССИЯГА — 15 февраль, 2 март, 3 апрелда 16 кунга. Баҳоси —129 сўм.

ПУШКИН ҚЎРИҚХОНАСИ—РИГА — 23 февраль, 2 март 20 кунга. Баҳоси — 108 сўм.

ЗАКАРПАТЬЕ—ЛЬВОВ — 12 февраль, 1 мартда 20 кунга. Баҳоси — 108 сўм.

ЛЕНИНГРАД—ЛОСЕВО—РЕПИНО — 31 январь, 12 февраль, 1, 31 март, 6 апрелда 18 кунга. Баҳоси — 136 сўм.

ҚАДИМИЙ РУС ШАҲАРЛАРИ ВА ЛЕНИНГРАД БЎЙЛАБ — 11 февраль, 1 мартда 21 кунга. Баҳоси — 144 сўм.

НОВГОРОДДАН—МОСКВАГАЧА — 1 апрелда 18 кунга. Баҳоси — 159 сўм.

УКРАИНА—МОЛДАВИЯ — 21 февраль, 21 март, 11 апрелда 20 кунга. Баҳоси — 149 сўм.

СУХУМИ — 8 февраль, 1 март, 8, 28 апрелда 20 кунга. Баҳоси — 115, 135 сўм.

ГЕЛЕНЖИК — 25, 26 апрелда 20 кунга. Баҳоси — 131, 262 сўм.

ҒАРБИЙ УКРАИНА БЎЙЛАБ — 12 февраль, 11 мартда 16 кунга. Баҳоси — 90 сўм.

БЕЛОРУССИЯДАН БОЛТИҚ ДЕНГИЗИГА — 1, 21 февраль, 12 мартда 20 кунга. Баҳоси — 135 сўм.

ЛИТВА ВА БЕЛОРУССИЯ БЎЙЛАБ — 4 мартда 20 кунга. Баҳоси — 138 сўм.

УКРАИНА БЎЙЛАБ — 1 февраль, 2 мартда 20 кунга. Баҳоси — 123 сўм.

ЛАЗАРЕВСКОЕ — 24 апрелда 20 кунга. Баҳоси — 90 сўм.

МОЛОДОГВАРДЕЙСКИЙ — 11 февраль, 11 март, 1 апрелда 20 кунга. Баҳоси — 92 сўм.

ҒАРБИЙ ҚРИМ БЎЙЛАБ — 12 февраль, 1 март, 2 апрелда 18 кунга. Баҳоси — 88 сўм.

СОЧИ — 21 апрелда 20 кунга. Баҳоси — 170 сўм.

ҚРИМ — 1 ,февраль, 11 март, 1 апрелда 18 кунга. Баҳоси — 210 сўм.

Мактаб ўқувчиларининг (баҳорги, кузги) каникул кунларида иттифоқ бўйлаб кам кунлик путёвкаларни буюртириш мумкин.

Меҳмонхоналарда яшаш, овқатланиш, экскурсия хизмати тўпланадиган жойдан бошлаб йўл ҳақи путёвканинг баҳосига киради (дастлабки пунктга етиб боргунга қадар йўл ҳақи бунга кирмайди).

Адрес: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, Марказ—13 квартали, 35-уй. Телефон 41-80-16.

Сиз путёвкани буюртирганингиздан кейин 41-80-11, 41-80-12 телефонлари орқали авиация билетини талаб этган жойингизга (ишга, уйга) етказиб бериш юзасидан буюртма беришингиз мумкин.

Билетларни етказиб берадиган касса ҳар куни дам олишсиз соат 9 дан 20.00 гача ишлайди.

ТОШКЕНТ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

«СЕРВИС» агентлиги шаҳарнинг турли районларида авиация билетларини сотиш бўйича қўшимча филиаллар очди:

«2—Сергели» массиви, 8-уй;

«Москва» (Навоий кўчаси) меҳмонхонаси;

Чилонзор массиви — 13-квартал, 7-уй;

Т. Шевченко кўчаси, 62-уй («Ҳарбий китоблар» магазини рўпарасида).

ТОВАРЛАР — ХАЛҚҚА

«ЮНОСТЬ» ҲАМИША СИЗ БИЛАН

Оқ-қора тасвирдаги «ЮНОСТЬ» портатив телевизори йўлда ва уйингизда ҳамиша сизга муносиб йўлдош бўлиши билан бирга, у электр тармоғидан ҳамда автомобиль аккумуляторидан қувват олиб ишлай беради.

«ЮНОСТЬ» хонадонингизда иккинчи телевизор бўлиб хизмат қилишда баҳоси йўқдир. Схемасида қўлланилган автоматика экрандаги тасвирнинг сифатини ҳамиша кузатиб боради. Телевизор программаларга олиш учун кнопкали переключатель билан жиҳозланган.

Телевизорнинг баҳоси — 215 сўм.

«РАДИОТЕХНИКА» МАРКАЗИЙ САВДО РЕКЛАМА ТАШКИЛОТИ.

МОСКВА САВДО РЕКЛАМАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМБИНАТИ РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

ТРИКОТАЖ ҲАМИША МОДАДА



ТРИКОТАЖ ЛИБОСЛАРИ ЎЗИНИНГ ҚАЙСИ ФАЗИЛАТИ БИЛАН УСТУНЛИК ҚИЛАДИ!

ТРИКОТАЖ КИЙИМЛАРИНИ КИЙГАН КИШИ ҲАМИША ИССИҚ ВА БАШАНГ КЎРИНАДИ

Бундай либослар ҳамиша модада ва чидамлидир, бошқа либослар билан яхши мутаносиблашади, осон ювилади, дазмолласа ҳожат йўқ.

Биз трикотаж либосларни кийиб ишга ,меҳмонга, театрларга борамиз, дам оламиз ва спорт билан шуғулланамиз ва бундай либосларда ўзимизни ҳамиша қовушимли, эркин, қулай ҳис этамиз.

Биз трикотаж либосларини йилнинг исталган фаслида, оддий иш кунларида ҳам, байрамларда ҳам бажонидил киямиз.

ТОШКЕНТ БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ ЭРКАКЛАР ТРИКОТАЖ СЕКЦИЯСИДА

ҚУЙИДАГИ МОЛЛАР СОТУВГА ҚУЙИЛГАН:

мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва чет эллардан келтирилган тоза жундан ишланган, ҳар хил размерли ва тусдаги полуверлар;

тоза жун ва жун аралашган матолардан тикилган (Тошкентдаги «Малика» бирлашмасида, Латвия ва Ҳиндистонда тайёрланган) **жакетлар;**

жигар рангли ва тўқ зангори тусдаги тоза жундан (Ҳиндистонда), **жун аралашган матодан** (Белоруссия ва Арманистонда) **тикилган свитерлар;**

ранг-баранг тусли, безаги ва размери ҳар хил бўлган (Тошкент, Белоруссия ва Шяуляй трикотаж бирлашмаларида тикилган) **жемперлар;**

тоза ва жун аралашган матолардан тикилган спорт костюмлари.

Бош универсал магазини дам олиш кунисиз соат 9.00 дан 20.00 гача ишлайди.

ГУМ (телефон 42-27-39).

«ҚАҲРАТОН ВА ҚУЁШ»—МЎЪЖИЗАЛИ КУНДИР!

Тошкентнинг инжиқ табиатли қиши ўзининг қор бўрони билан бизни ҳамма вақт ҳам қувонтиравермайди. Лекин Чимён тоғларида эса қаҳратон қиш бутун борлиққа ўзининг оппоқ кўрпасини ёзиб ҳукмронлик қилаяпти. Якшанба кунлари чанғи, чанада яхмалак отиб келгуси меҳнат ҳафтаси учун ғайрат ва шижоат йиғиш ниятида бўлган қишки дам олиш ишқибозлари тушган автобуслар карвони тоғ томон турна-қатор бўлиб йўлга тушади.

Қор босган қияликлар оша чанғида елдек учиб бораётганингизда бир талай шавқ-завқ оласиз. Чанғи остидан қор ҳошияси қуёш нурида камалак ранг жилосини таратиб тизиллаб отилади. Болалар билан чанада мазза қилиб учишнинг ўзига хос бир олам гашти ҳам бор.

ЧИМЁН ТОҒЛАРИ САЛОМАТЛИК САЙРИГА ЧОРЛАЙДИ!

ҚИШКИ ДАМ ОЛИШ УЧУН ЧАНҒИ АНЖОМЛАРИНИ ҚАНДАЙ ТАНЛАШ ВА УЛАРНИ ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАШ КЕРАК?

Ерга тик қўйилган чанғининг тумшуғи қўлингизни баланд кўтарганингизда кафтнинг ўртасига тегиб турмоғи керак. Чанғининг мустаҳкамлагичи шундай ўрнатилиши лозимки, пўлат қисқичнинг ўқи чанғининг марказидан бирор сантиметр орқада яъни товонга яқин ўрнатилмоғи керак. Чанғи хассалари елкадан баланд ва қўлтиқдан паст бўлмаслиги лозим.

Чанғи қор кўрпасида силлиқ сирғалиши учун сайрга чиқишдан олдин махсус мой билан мойланиши лозим.

ЧАНҒИ УЧИШ ПАЙТИДА КИЙИМ-КЕЧАКЛАР ҚАНДАЙ БЎЛМОҒИ КЕРАК?

Энг муҳими бу кийимлар иссиқ, шамолдан ҳимоя қиладиган, кишини ҳаракат пайтида сиқиб қўймайдиган бўлиши даркор. Пойафзали ҳам жуда тўғри танлай билиш муҳимдир. Чанғи ботинкалари аввало мой билан яхшилаб шимдирилади. Мой билан одатда бошлиғи ва таглиги мойланади, шундан кейин ботинка 5—6 марта иссиқ жойга қўйилади, шундан кейин ҳар қандай эрувгарчилик писанд бўлмайди.

«Чук ва Гек» руль билан бошқариладиган чаналарда учишдан олдин уни ишлатиш қоидаларига диққат-эътибор билан риоя қилингиз. Бундай чаналарда ётиқ тексликка чиқишдан олдин оҳиста ҳаракат қилиш керак. Учиш пайтида оёқлар чананинг ён томонидаги чанғиларга ўрнатилмоғи лозим. Руль билан бошқариладиган чанага қўйилган тортиш арқонини қўлга чамбарчас ўраб ташлаш мумкин эмас.

«УЗСПОРТТОРГ»НИНГ МАГАЗИНЛАРИГА СИЗЛАРНИ ЧОРЛАЙМИЗ!

Сиз бу магазинлардан чанғилар, чанғи таёқчалари, чанғини маҳкамлагич, чанғи мойи, тоғ чанғиси ботинкаси, коньклар, «Чук ва Гек» қор чанғиси, спорт чанаси, тоза жундан тайёрланган костюмлар, болонья газламасидан тикилган эркаклар костюмларини

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН:

Магазинларнинг адресини эслатамиз:

1 — «Динамо» — У. Юсупов кўчаси, 2-уй;

2 — Муқимий кўчаси, 1-уй;

3 — Пахтакор кўчаси, 7-уй;

22 — Олмазор массиви, 15/3;

42 — Олой бозори.

«УЗСПОРТТОРГ» РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН САВДОСИ (телефон 35-05-13).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

(телефон 42-95-91).

ТВ

душанба

23 ЯНВАРЬ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.40 «Вакант лавозим — рационализаторлик». Мамлакат корхоналарида ижодий лабораториялар тузиш тажрибаси ҳақида. 2-кўрсатув.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильмлар: «Эртак кетидан эртак», «Бувимнинг соябони».
20.00 М. Горький «Достигаев ва бошқалар». ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театрининг фильм-спектакли.
21.30 «Время».
22.05 «Достигаев ва бошқалар» фильм-спектаклининг давоми.
23.00 «Дунё воқеалари».
23.15 Венгрия Давлат симфоник оркестрининг концерти.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
19.50 Хоккей бўйича халқаро учрашув. ГФР — СССР терма командалари. 3-давр. ГФРдан олиб кўрсатилади.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 «Ленинград симфонияси». Бадиий фильм.
23.40 Гандбол бўйича жаҳон кубоги. Эркаклар. Финал. Швециядан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

17.40 Кўрсатувлар программаси.
17.45 Болалар учун фильм. «Ҳикоя бошланади».
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Комсомоллардан ўрнак ол».
18.40 «Советский воин». Тележурнал (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Адабий театр. Б. Бойқобилов. «Адашган кема».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Ҳалима Носирова». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзкинохроника»).
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Қирол Лир». Бадиий фильм. 1-серия.
23.30 Янгиликлар.

II

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 Ўқитувчи экрани. Адабиёт ва рус тили дарсларида ўқувчилардан сўраш формаси.
18.45 «Яшил оролнинг балиқ бойликлари». Телефильм.
19.05 «Қизиқарли математика».
19.35 «Муваффақият формуласи». Телефильм.
19.55 Янгиликлар.
20.15 «Оила ва мактаб». Кинопрограмма.
21.30 МТ II.

сешанба

24 ЯНВАРЬ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время».
9.40 Ҳужжатли фильмлар. «Бир умрлик куй», «Мен шундай самолёт ясайман».
10.25 М. Горький «Достигаев ва бошқалар». ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театрининг фильм-спектакли.
12.45 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб». Ҳужжатли фильмлар.
16.05 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
16.40 «Концерт залида — мактаб ўқувчилари».
17.30 «Ерда, самода ва денгизда».
18.00 «Расмларда қуёш акси бор».
18.15 «Қоидадан ташқари». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Сайловлар олдидан».
19.45 «Қамал». Бадиий фильм. А. Чайковскийнинг шу номли романи асосида. 1-қисм. Биринчи фильм — «Луга мудофаа чизиғи».
21.30 «Время».
22.05 КПСС Марказий Комитетининг мактабни ислоҳ қилиш тўғрисидаги Лойиҳасини муҳокама қиламиз.
22.35 Балет артистларининг концерти.
23.20 «Дунё воқеалари».
23.35 «Спорт ҳафталиги».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Кўприклар ҳақида сўз». Телевизион ҳужжатли фильм.
19.20 Минск камер оркестри чалади.
19.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 Н. Маяковский. 27-симфония. СССР Давлат академик симфоник оркестри ижро этади.
21.30 «Время».
22.05 «Омад ҳаҳаси». Телевизион бадиий фильм.
23.10 А. Пластов ижоди

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Олтин алак». Мультфильм.
18.25 Болалар учун. «Санъат гунчалари».
18.55 КПСС Марказий Комитети декабрь (1983 й). Пленуми қарорлари — ҳаётга! «Чирчиқ аммиаки —мамлакатга» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби.
20.30 «Ахборот».
20.50 Г. Отақулова ва Ж. Раҳимов концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Қирол Лир». Бадиий фильм. 2-серия.
23.15 Янгиликлар.

II

9.00—16.30 МТ II.
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. СССРда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари.
18.40 «Аквалангчилар». Телефильм.
18.50 «Ноз-неъмат бунёдкори».
19.10 Эстетика асослари. Санъат турлари. Музика санъати (рус.).
19.50 «Аттракцион мамлакатига саёҳат». Телефильм.
20.00 Янгиликлар.
20.20 «Тинчликка ким хавф солмоқда». Ўзбекистон телевидениесининг сиёсий шарҳловчиси Т. Қоратоевнинг нутқи сўзи билан бошланади.
21.20 «Моршчин». Телефильм.
21.30 МТ II

театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/I да **Ғийбат**, 25/I да **Юлдузли тунлар**, 26/I да **Зебуннисо**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 23/I да **Тўйдан олдин томоша**, 25/I да **Гулсара**, 26/I да **Тошкентнинг мозаини** малакаси.

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 25/I да **«Экзотик фантазия»** аттракциони. Ургатилган гамадриллар группаси (19.30).

кино

23, 24 ЯНВАРДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОЙ КАМАЛАГИ» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«САРИҚ ГУЛ» — **М. Шайхзода номли** (тоқ соатларда, телефон 42-39-74).

«КУППА-КУНДУЗ КУНИ» — **Ватан** (тоқ соатларда), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Қозоғистон** (тоқ соатларда, телефон 35-24-92), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда (телефон 91-10-51), **Янгиобод** (тоқ соатларда, телефон 96-36-21).

«АМЕРИКАЧА УҒИРЛИК» —**Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда ,телефон 33-44-52).

«ЕНГИЛМАС» —**Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон 35-24-91).

«ТАБИБ» — **Искра** (12.00, 15.00, 18.00, 21.00, телефон 39-14-59), **Санъат саройи** (катта залда: 11.0, 13.30, 16.00, 18.20, 20.30, телефон 44-21-74).

«АБДУЛЛА» — **Санъат саройи** (кичик залда: 12.00, 14.30, 17.00, 19.45).

25 ЯНВАРДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОЙ КАМАЛАГИ» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«САРИҚ ГУЛ» — **М. Шайхзода номли** (тоқ соатларда, телефон 42-39-74).

«КУППА-КУНДУЗ КУНИ» —**Ватан** (тоқ соатларда), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Қозоғистон** (тоқ соатларда, телефон 35-24-92), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда (телефон 91-10-51), **Янгиобод** (тоқ соатларда, телефон 96-36-21).

«АМЕРИКАЧА УҒИРЛИК» —**Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда ,телефон 33-44-52).

«ЕНГИЛМАС» —**Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон 35-24-91).

«ТАБИБ» — **Искра** (18.00, 21.00, телефон 39-14-59), **Санъат саройи** (катта залда: 18.20, 20.30, телефон 44-21-74).

«АБДУЛЛА» — **Санъат саройи** (кичик залда: 17.00, 19.45).

Тошкент авиация техникуми томонидан **Толипов Фахриддин Абдужабборович** номига берилган 327017 номерли йўқолган ДИПЛОМ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Октябрь районидаги 59-мактаб томонидан **Гавсутдинова М.** номига берилган 031138 номерли йўқолган 8-СИНФНИ ТУГАТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

23 ЯНВАРЬ, 1984 й. Р—09040. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12